

Гўзал анъана: Покистон раҳбари Имронхон самолётдан оёқ кийимсиз тушди



17:53 / 30.10.2021 2953

Покистон Бош вазири Имронхон ва унинг ҳамроҳлигидаги делегация Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларини зиёрат қилиш учун Мадинага ташриф буюрди. Меҳмонлар шаҳзода Муҳаммад ибн Абдул Азиз халқаро аэропортига етиб келгач, Мадина вилояти губернатори ўринбосари шаҳзода Сауд ибн Холид Ал-Файсал томонидан кутиб олинди.

Имронхон ва унинг рафиқаси Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳурмат белгиси сифатида Мадина аэропортида самолётдан поябзалсиз тушдилар.

Бундай ҳолат Покистон делегацияси учун гўзал анъанага айланган. Аввалроқ, 2021 йилнинг май ойида ҳам Имронхон Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васалламга ҳурмат бажо келтириш мақсадида ялангоёқ самолётдан тушган эди. Ушбу ҳолат ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган ва бутун дунё мусулмонларининг эътиборини ўзига тортган.